КОНТЕКСТ ВА ТАГМАТННИНГ ТЕРМИНЛАРНИ ИФОДАЛАШДАГИ ЎРНИ

Д.Жамолиддинова

Мақолада матн ва тагматннинг ўзига хос хусусиятлари, фарқлари илмий адабиётлардаги қарашлар асосида таҳлил қилинган. Терминларнинг прагматик хусусиятлари ва образли ифодаси кўчим турлари орқали намоён бўлиши ўз ифодасини топган.

***Калит сўзлар**: контекст, тагматн, лингвопоэтика, ўхшатиш, бадиий образ, метафора, перифраза.*

В статье анализируются особенности и различия текста и подтекста на основе существующей научной литературы по проблеме. Прогрессивные черты и фигуративные выражения терминов выражаются через их разновидности.

***Ключевые слова:** контекст, подтекст, лингвопоэтика, сравнение, художественный образ, метафора, перифраза.*

The article analyzes the peculiarities, differences of the text and the text on the basis of existiny scientific literature. Progressive features and figurative expressions of the terms are expressed through their varieties.

***Key words**: context, tag, linguopoetics,emulation, bad picture, metaphor, periphrases.*

Контекст бадиий-эстетик бутунлик сифатида бениҳоя мураккаб, серқатлам ҳодисадир. Контекст айнан тилнинг муҳим вазифаларидан бири бўлмиш эстетик вазифани реаллаштиради. Контекстда барча бирликлар тенг бадиий-эстетик қимматга эга бўлмайди. Муайян тил воситалари айрича поэтик қиммат касб этади, бошқалари эса поэтик жиҳатдан пассивроқ бўлади. Яхлит контекстга кўра тил бирлиги эстетик жиҳатдан биринчи планга чиқади ва янги бадиий маънолар ифодачисига айланади. Бу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда фақат бир маънода қўлланувчи терминлар ҳам ёзувчининг идиолекти билан боғлиқ ҳолда поэтик актуаллашиш имкониятига эга бўлади. Албатта, терминлардаги бу лингвопоэтик қимматнинг юзага келишида контекстнинг ва тагматннинг ўрни муҳим.

Инчунун, терминларнинг маъноси контекстда реаллашади. Терминнинг лингвопоэтик хусусиятлари орқали баён этилган фикр ўзининг тагмаъносига эга. Шу боисдан терминнинг бадиий восита сифатида қўлланилиши ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, контекст ва тагматн тушунчаларини четлаб ўта олмаймиз. Борлиқнинг реал фактлари изоляция ҳолида, яъни луғатларда берилгандек эмас, балки нутқ коммуникацияларида, матнларда, минимал кўриниши гап бўлган ҳолатларда акс этади. Сўз ўз-ўзига, гапдан ташқари реал фактлар ҳақида ҳеч нарса билдирмайди, уларни жонлантира олмайди.

Бадиий матнга образли ифодалаш воситаси сифатида терминлар олиб кирилганда ҳосил бўладиган маъноларни тушунтиришда контекстнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. В.В.Виноградов контекстнинг сўз маъносини аниқлашдаги вазифаси ва аҳамиятини шундай таърифлайди: «ёзувчи томонидан индивидуал фойдаланилган сўз образи турлича таркибга эга бўлади. У сўздан, сўз бирикмасидан, абзацдан, бадиий асар бобидан ва бутун ёки тўла бадиий асардан иборат бўлиши мумкин. Ҳар қандай сўзнинг маъносини контекст орқали ёритиб бериш мумкин. Ҳар қандай ўзгача маъноли сўз, у нақадар метафористик бўлишидан қатъи назар, унинг ўзга маъносини контекст ёрдамида билиш мумкин. Умуман, ҳар қандай қимматли маълумот контекст ёрдамида реаллашади» [1.55].

Бадиий асарнинг тилини ўрганишда адабиётшунос учун ҳам, тилшунос учун ҳам контекст муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, тилни англаш нимадан иборат деган савол туғилади. Ўз-ўзидан ҳақиқатни кўзда тутиш имкониятларигина эмас, балки янги контекстлар яратишдан, унинг маъносини нозик тушуниб, контекстларни бир-биридан фарқлай олишдан иборат. Бу, албатта, тадқиқотчидан ёзувчилик маҳоратини талаб этади.

Вазиятга кўра сўзни ўрганиш унинг конкрет алоқаларига бошқа сўзлар ва тил тизимининг элементлари билан боғланиши, табиийки, шундай хулосага олиб келади. Сўзга унинг алоҳида маъноси сифатида юклатилган мазмун тўлиқлигини фақатгина контекстда аниқлаш мумкин. Битта контекст унинг битта маъносини юзага чиқаради. Индивидуал сўзнинг маъносидан келиб чиққан ҳолда унинг дистрибутив қуршовига кўра контекстни тўрт турга бўламиз:

1. Минимал контекст.
2. Ёйиқ контекст.
3. Максимал контекст.
4. Устки контекст.

Сўнгги турнинг ажратилишига сабаб, устки контекст бадиий нутқда контекстнинг бошқа турларига нисбатан асосий вазифани бажаради, шунинг учун ҳам уни устки контекст деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Контекст тил бирликларининг жой, функция, маъносини аниқлашда иштирок этувчи нутқ қуршовидан иборатдир.

Бадиий асар тилини ўрганишда, муаллифнинг лингвопоэтик мақсадини юзага чиқаришда тагмаъно ҳам муҳим аҳамият касб этади. О.С.Ахманова тагматн тушунчасига шундай таъриф беради: «Ички назарда тутилмайдиган матн, фикрнинг сўз билан ифодаланмайдиган маъноси» [3.30].

Бадиий асар билан танишганда унинг моҳиятини, мазмунини англаш учун фақатгина ёритиб берилган воқеалар ривожини кузатиш камлик қилади. Асл санъат асарида воқеалар, қахрамонлар ҳаракати, уларнинг ўзаро муносабатлари фақатгина хроника учун эмас, балки муаллифнинг ғоявий-эстетик мақсадининг ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Ана шу бадиий маънони ёзувчи очиқ айтилмаган маънолар, яъни тагмаъно орқали китобхонга етказиб беради. Бу эса ўз навбатида бадиий асар қимматининг ошишига ёрдам беради. Тагматн тушунчаси тилшунослар томонидан турлича талқин этилади. Аммо барча таърифлардан келиб чиқадиган маъно қуйидагича: тагматн – маънонинг қисмидир, тўлалигича баён этилмаган бўлиб, асарнинг турли қисмларида ғояга ретроспективлар кўринишида намоён бўлади ва тил бирликларининг кўчма маънода қўлланилишида ассоциатив маъноларни фаоллаштириш йўли билан иккинчи планни ҳосил қилади.

Дарҳақиқат, шундай махсус нутқ турлари борки, уларда албатта ички маъно, яъни тагмаъно мавжуд. Бу нутқ турига мисол қилиб кўчма маъноли фикрларни келтиришимиз мумкин. Масалан, «олтин қўллар» ибораси қўлларнинг олтиндан эканлигини англатмайди, унинг тагмаъноси – «ҳамма ишни яхши қила оладиган одам».

Бизнинг масалларга бўлган муносабатимиз доимо икки планда ривожланади. Бу икки план ҳам бир вақтда ўсиб боради ва кучаяди, натижада иккиси ҳам бир ҳаракат остига бирикиб бир маънони англатади, доимо иккиталигини сақлаб қолади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, тагматн ҳам осон эсда қолади ва икки планлиликни ҳосил қилади, чунки уларда сюжетнинг ўзи китобхонни икки оқим бўйлаб йўналтиради. Эътиборни тагматнда метафора, эпитет, ўхшатишларнинг бадиий ифода манбаи сифатида мавжудлигига қаратиш зарур. Чунки улар худди индикатор каби тагматннинг борлигига ишора қилиб туради. Аммо кўп ҳолларда бадиий нутқда тагматнни аниқлаш жараёни қийин кечади. Шунинг учун бу жараён тилшуносликда турлича талқин қилинади.

И.Р.Гальперин матн орқали ифодаланадиган информацияни уч турга бўлади:

1. Таркибий-фактуал маълумот.
2. Таркибий-контекстуал маълумот.
3. Таркибий- тагматнли маълумот [2.87].

Юқоридагидан келиб чиқилса, тагматн – ҳақиқий лингвистик ҳолат бўлиб, қўшимча маъно орттириш учун хизмат қилади. Берилган матн – тема (бор маълумот), тагматн эса – рема (янги маълумот) ҳосил қилади. Тагматннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, биринчи марта ўқиш давомида уни англаб олиш қийин, фақатгина функционал маълумот орқалигина қайта, баъзида бир неча марта қайта ўқиш натижасида уни тушуниб етиш мумкин. Метафора, перифраза ва бошқа ҳодисалар мазмуний контекстуал информация таркибига киради. Яъни улар тагматн таркибига кирувчи информацияга тегишли эмас. Чунки улар ўз семантикасига кўра нутқнинг икки хил маъносини ифодалашга қаратилган. Лекин метафоралар тагматнни ҳам ифодалаши мумкин, уларга яширинган маънони англаш учун матн нуқтаи назаридан таҳлил объектига тортиш мақсадга мувофиқ. Фикримизни Асқад. Мухторнинг «Бўронларда бордай ҳаловат» асаридаги авария ва калибр терминларининг қўлланилиши мисолида воқеа ва ҳолатларни тасвирлаш орқали уларнинг бадиий образли ифодаланишидаги боғлиқлик, тасвирланаётган воқеаларга муносабат билан илгари сурилган ғояларга бўлган муносабатни таҳлил қиламиз.

Асарнинг бош қаҳрамони Заргаровга унинг хотини Фотимадан ажралиш сўралган хат келади. Муносабатларининг бу қадар мураккаблашиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган Заргаров қаттиқ сиқилади. Губанов билан бўлган суҳбатда сабабини шундай тушунтиради: «... Лекин Фотима билан биз ҳаёт ҳақида ҳам, муҳаббат ҳақида ҳам, бошқа кўп нарсалар ҳақида ҳар хил ўйлайдиган бўлиб чиқдик, бу рост. Ўша хатни олганимдан бери бир воқеа хаёлимдан кетмайди. Биласизми, менинг «водопроводчи»лик тажрибамда... хотиним мени «водопроводчи» дер эди,- ерга қараб маъюс кулди Заргаров, - менинг тажрибамда бир ҳодиса бўлган. Саҳрода биринчи марта газ қувури ётқизганимизда узоқ участкада жуда катта авария юз берди. Ҳар замонда қувурлар уланган ердан ўт чиқиб, трассани аланга қоплар эди. Ҳамма ҳайрон, сабабини сира тополмаймиз. Ўт олавергач, бориб-бориб осмонга ўралган катта ёнғинга айланди. Бир неча ой овора бўлиб, компрессорларда газни зўрға тортдик, олов ўчди. Ўчди-ю, яна ёнмаслигига ишончимиз йўқ. Кейин, мутахассисларнинг аниқлашича, ҳалокатнинг сабаби нима экан денг? Участкада кимнингдир бепарволиги билан диаметри икки хил қувурлар пайвандлаб кетилаверилган экан. Бири кенгроқ, бири торроқ... Фотима билан бизнинг авриямиз ҳам шунга ўхшамайдими?

Бу ўхшатиш Губановга жуда маъқул тушди. Жуда нашъа қилгандек пиқиллаб кулди, Заргаровнинг елкасига туртиб қўйди:

- «Водопроводчи!» Жуда топдинг, лекин! - деди завқ билан.

- Сизлар ҳақиқатан ҳам икки хил калибрдаги одамларсиз. Ҳалокатнинг сабаби ҳам шу миқёсларингизда».

Изоҳли луғатда авария сўзига шундай таъриф берилган: «Авария - кема, самолёт, машинанинг иш вақтида синиши, бузилиши». Сўзнинг кўчма маъноси қайд этилмаган.

Заргаров оиласида содир бўлган воқеалар аварияни эслатади, авария атамаси газ қувурларининг

мос эмаслигига солиштирилади. Калибр лексемасининг Губанов томонидан қўлланилиши Заргаров ва Фотиманинг ўртасидаги келишмовчиликларни таърифлайди. Изоҳли луғатда бу сўзнинг ҳам кўчма маъноси берилмаган. Лекин калибр терминининг функцияси шу билан тугамайди, бу образ фақатгина Заргаров оиласидаги воқеаларни тасвирлаш учунгина эмас, балки асардаги бошқа муаммоларни таърифлаш учун ҳам ишлатилади. Масалан, калибр термини орқали ҳар хил шахсларга таъриф берилади. Бунга асос қилиб ўлчамнинг, калибрнинг номутаносиблиги олинади. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ёзувчи бу терминга салмоқли функцияларни юклаган. У орқали Заргаров ва унинг хотини ўртасидаги фарқ, уларнинг ҳаётдаги ўрни ва фаолияти, интилишлари кўрсатилган. Воқелар ривожи ажралиш ҳақидаги хат – авария билан тугайди. Фотима – ўз шахсий ҳаётида, театр билан муносабатларида, ўз ҳис-туйғуларида адашиб, ўралашиб қолган аёл. Заргаровнинг дунёқараши, фаолияти кенг кўламли. У катта ва маъсулиятли ишда тарбия топган. Эр ва хотин ўртасидаги низо, номувофиқлик калибрнинг номутаносиблиги каби деб таърифланади. Ёзувчи авария, калибр терминларини бадиий образли функцияда қўллар экан, буни асар воқеалари, персонажлар ҳаёти билан боғлайди. Бундан келиб чиқадиган тагматн қуйидагиларни ифодалайди: Инсон-мукаммал эмас, у катта ишларни, режаларни амалга ошириши мумкин, лекин хато қилиши ҳам мумкин. Халқ бахти, Ватан равнақи учун меҳнат инсондан катта куч, меҳнат, фидоийликни, ўз шахсий манфаатидан воз кечишни талаб этади. Қаерда ўсиш, тараққиёт бўлса, ўша ерда тўсиқлар ҳам учраб туради, деган ғоя тагматн орқали илгари сурилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш жоизки, тагматн ассоциатив ва коннотатив маънолардан иборат. Тил категорияларининг кенг ва тор таърифлари мавжуд, худди шундай тагматн ҳам кенг ва тор талқин этилади. Лекин контекст ва тагматн бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тақозо этувчи категориялар жумласига киради. Аммо бадиий матнда контекст тагматнга нисбатан етакчи ўринни эгаллайди.

Адабиётлар:

1. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования.- М.: Наука, 1981.- 140 с.

2. Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке. // Виноградов В.В. Исследования по русской грамматике: Избранные труды.- М.: Наука, 1975.- С.53-87

3. Ахманова О.С Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. - 606 с.

Қўқон давлат педагогика институти,
2018 йил 27 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. И.Мадраҳимов)